

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

446 Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети хузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида

Республикамизнинг ёш олимлари ва талабалари жаҳон амалиёти ва халқаро андозаларга мувофиқ илмий тадқиқотлар олиб боришнинг замонавий, илгор усул ва технологияларини эгаллашлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, республика иқтисодиётининг базавий тармоқлари учун Япония илмий ва таълим муассасаларининг олимлари ҳамда етакчи мутахассислари иштирокида юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлаш мақсадида:

1. Кўйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

2015 йилнинг 25 октябрида Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Япония Хукумати ўртасида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети хузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандум имзоланди;

Япония томонидан Цукуба, Нагоя, Кейо университетлари, Тойохави Технология университети ва Токио технология институти Марказнинг ҳамкорлари ҳисобланади.

2. Кўйидагилар Марказ фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари этиб белгилансин:

ёш мутахассислар ва талабаларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг илмий ва техниковий фояларини саноат намуналари, ускуналар, технологик жараёнлар ва ечимларда мужассамлаштириш;

энергияни юқори даражада тежаш ва импорт ўрнини босиш вазифасини ҳал этиш хусусиятига эга бўлган, атроф мухитга минимал таъсир ўтказадиган замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни яратиш;

ёш олимларнинг илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширишлари учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни шакллантириш, улар томонидан ўтказиладиган тадқиқот ишларининг юқори даражада сифатли бўлишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан, илмий ва таълим муассасаларидан келиб тушадиган буюртмалар асосида Марказ фаолиятининг тегишли илмий йўналишлари бўйича қўшма экспериментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Марказ давлат корхонаси шаклида ташкил қилинади ва мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида шахсий fazначилик хисобварагига, банк хисобвараги, шу жумладан валюта хисобваракларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган муҳрга эга бўлади.

4. Куйидагилар:

Тошкент давлат техникауниверситети хузуридаги Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказининг ходимлари умумий сони (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар бу ҳисобга кирмайди) 27 нафар, шу жумладан Япониянинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларидан таклиф қилинадиган 4 нафар мутахассис (кейинги ўринларда — Марказнинг чет эллик ходимларидан иборат тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техникауниверситети хузуридаги Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказининг Васийлик кенгаши таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Васийлик кенгашига, зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида ўзгартишлар киритиш хукуқи берилсин.

5. Куйидагилар белгилаб қўйилсин:

Марказнинг чет эллик ходимлари таркибини япон томони белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг жорий таъминот учун ажратиладиган маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловларнинг натижалари бўйича ажратиладиган грантлар, хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида ўтказиладиган тадқиқотлардан тушадиган маблағлар, шунингдек ҳалқаро молия ва бошқа ташкилотларнинг, чет эл хукумат ташкилотларининг грантлари, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

илмий-технологик лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш учун Марказнинг чет эллик ходимларига иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар миқдори Марказнинг Васийлик кенгаши томонидан Япония илмий ва олий таълим муассасалари ставкалари даражасида тасдиқланади ҳамда эркин айирбошланадиган валютада тўланади;

Марказнинг маҳаллий илмий ва раҳбар ходимларининг лавозим маошлиари бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ҳамда инновация ишларининг давлат илмий-техникавий дастурларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ва раҳ-

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

бар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорига, бошка ходимларнинг лавозим маошлари эса — республика илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган лавозим маошлари миқдорига тенглаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг илфор технологияларни татбиқ этишдан манфаатдор бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг маблағларини жалб этиш ҳисобига шакллантириладиган Марказни ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда Марказни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети (кейинги ўринларда — ТДТУ) билан биргаликда икки ой муддатда белгиланган тартибда:

Марказнинг устави тасдиқланиши ҳамда унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Марказга илмий кадрларни танлаб олиш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва унинг асосида Марказни раҳбар, илмий ва педагог ходимлар билан тўлдириш учун четтилларни биладиган ёш ва истиқболли илмий кадрларни танлаб олиш бўйича конкурс ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ТДТУ:

Марказнинг Тошкент шаҳар, Университет кўчаси, 2 («Б» блоки) манзилида жойлашган (кейинги ўринларда — Марказ биноси) ТДТУ биносида ижара ҳақи олинмасдан жойлаштирилишини;

2016 йилнинг 1 октябрига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказ биносининг 2-қавати офис хоналари жойлаштирилган ҳолда мукаммал таъмирланишини, шунингдек уларнинг зарур мебель, компьютерлар, ташкилий техника ва инвентарлар билан жиҳозланишини;

Марказнинг чет эллик ходимларини улар Марказда ишлаб турган даврда ТДТУнинг профилакторийсида истиқомат жойлари билан таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2016 йилда ва кейинги йилларда Марказ биносини реконструкция қилиш, унга туташ янги лаборатория корпуси қуриш, шунингдек уларни зарур мебель, ташкилий техника ва инвентарлар билан жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг капитал маблағлари лимитлари доирасида маблағ ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги белгиланган тартибда Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан уни зарур илмий-лаборатория уску-

налари ва приборлар билан жиҳозлаш учун Япония халкаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) грантларини жалб этиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2016 йилда ва 2017 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлар параметрида Марказни таъминлаш ва унинг зимасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлик харажатларга «Фан» тармоғи бўйича ажратиладиган маблағлар доирасида зарур бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин;

2 та автотранспорт воситасининг, шу жумладан битта шахсий хизмат кўрсатадиган ва битта маҳсус автотранспортнинг таъминотига лимит ажратсин.

12. 2022 йилнинг 1 январига қадар:

Марказ барча солиқларни, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан;

Марказнинг чет эллик ходимлари Марказдаги фаолият доирасида олинган даромадлар бўйича жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тўлашдан;

Марказ — Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига кўрсатила-диган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиги тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича Марказ фаолияти учун олиб кириладиган илмий-лаборатория ускуналари, экспериментал тадқиқотларда фойдаланиладиган кимёвий реагентлар ва сарфланадиган материаллар, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, адабиётлар, приборлар, компьютерлар ва ташкилий техника, мультимедиа маҳсулотлари, автотранспорт воситалари божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буюрманомаларига биноан Марказнинг чет эллик ходимларига консуллик ва бошқа йиғимларни ундирамаган ҳолда кириш визаларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буюрманомаларига биноан Марказнинг чет эллик ходимларига белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимлар ундирамасдан кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг Марказнинг муддати узайтирилишини, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикасида вактинча рўйхатдан ўтказилишини ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг талабномаларига биноан Марказнинг чет эллик ходимларини жамлаш учун белгиланган тартибда хорижий ишчи кучини жалб этишга рухсатномалар беришни (узайтиришни), шунингдек мазкур шахсларга Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш хукуқига тасдиқнома беришни (узайтиришни) таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 майдаги

38 (746)-сон

- 115 -

446-447-моддалар

ПҚ-2524-сонли қарори билан тасдиқланган Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг ташкилий тузилмаси «Илмий лойиҳалар ва инновациялар маркази» блокидан кейин «Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази» блоки билан тўлдирилсін.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 19 сентябрь,
ПҚ-2602-сон